**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАНЗАРАЛИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**БАКАЛАВРИАТ 5410800 – ЎРМОНЧИЛИК ВА АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**4-64- ГУРУҲ ТАЛАБАСИ**
**ДИЛОВАРОВ ДИЛЁР АБРОР ЎҒЛИНИНГ**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Зухра она плюс” МЧЖ шароитида қарағай кўчатларига “НИВАКИ”услубида шакл бериш ва парваришлаш**

**Илмий раҳбар:**
Манзарали боғдорчилик кафедраси
мудири, доцент Э.Т.Бердиев

**«Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»**

| | |
|---|---|
| Манзарали боғдорчилик ва экология кафедраси мудири, доцент Э.Т.Бердиев | Ўрмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик факультети декани, доцент С.Жўраев |
| ____________________________ | ____________________________ |
| 2018 йил «___» _____________. | 2018 йил «___»_____________. |

Тошкент – 2018 й.

# МУНДАРИЖА



| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ** | 3 |
| **I БОБ** | **АДАБИЁТЛАР ШАРХИ** | 6 |
| **II БОБ** | **ПАРКЕНТ ТУМАНИ ХУДУДИНИНГ ТАБИИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИ** | 12 |
| 2.1 | Релъефи ва гидрологияси | 12 |
| 2.2 | Иқлими | 13 |
| 2.3 | Тупроқ шароити | 17 |
| 2.4 | Ўсимлик дунёси | 18 |
| **III БОБ** | **ҚАРАҒАЙ КЎЧАТЛАРИГА „НИВАКИ” УСЛУБИДА ШАКЛ БЕРИШ** | 20 |
| 3.1 | Қарағай турлари биологияси ва экологияси | 21 |
| 3.2 | Қарағай  кўчатларини  етиштириш агротехникаси | 32 |
| 3.3 | Қарағай кўчатларига шакл бериш усуллари ва муддатлари | 38 |
| 3.4 | Шакл берилган кўчатларни парваришлаш усуллари | 41 |
| 3.5 | Шакл берилган кўчатларни доимий жойига кўчириб ўтказиш ва парваришлаш | 44 |
| **IV БОБ** | **ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ-** | 64 |
| | **ХУЛОСА** | 69 |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР** | 71 |

# Кириш

Ҳозирги кунда қурилиш ишларида ва шаҳарсозликдаги асосий муаммолардан бири - кўкаламзорлаштириш ишларини илмий асосда ташкил этишдир.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги 186-сонли “Япон сафораси ва Сохта каштан дарахти кўчатларини экишни кўпайтириш чоралари тўғрисида”ги Қарори.

Шунингдек қарағай кўчатларини йетиштириш,кўкаламзорлаштириш ва меъёрий ландшафт қурилмалари тизимини такомллаштириш чора тадбирилари тўғрисида” ги қарори имзоланди.Шунинг билан бирга Ландшафт дизайни ва ахоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш сохаларига хам тубдан эътибор берилиб,хозирги пайтда ушбу сохаларнинг янгича усулларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Аҳоли турар жойлари - шаҳарлар, туманлар, қишлоқ ва посёлкаларни кўкаламзорлаштириш - бу жойларни ободонлаштиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Кўкаламзорлаштириш кўлами – аҳоли яшаш маданиятидан далолат бэради Демографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўкаламзорлашган ҳудудларга аҳоли келиб муқим жойлашади ҳамда бу жойлардан кўчиб кетиши камдан-кам кузатилади.

Ўзбекистон кам ўрмонли мамлакат, шу сабабданн яшил ўсимликлар бу ердаги табиат кўринишини белгилайди. Мамлакатимизда аҳоли яшаш жойлари,йўллар, ирригатсия иншоотлари, сув омборларини кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда амалга олиб борилади. Иҳота ва тоғ мелиоратив ўрмончилик улкан аҳамиятга эга, чунки сув, ҳаво ва тупроқни муҳофазалашда ўрмоннинг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларида аҳоли яшаш худудларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда бир қанча илмий ташкилотлар, ниҳол ўстириладиган кўчатхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган манзарали дарахтлар ва буталар турларини кенгайтириш, ўлкамиз шароитларига мослаша оладиган нав ва шаклларини излаб топиш, илмий даражада асосланган технология бўйича парваришлашни тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Ўзбекистонда мавжуд кўкаламзорлаштириш материаллари ассортименти чекланган бўлиб, уни кўпайтириш ва яхшилаш муҳимдир.

Кўчатхоналарда нобоп, ҳар қаердан олиб келинган ўсимликларни экиш ва кўпайтириш ярамайди. Шаҳарларда экишга мос бўлган, чидамли ва кўп йиллик, қимматли манзарали дарахтлардан жўка, каштан, эман, чинорлар, яъвор заранги, ўткир баргли заранг, лола дарахти, каталпа, ряъбина, грап, нинабарглилар турлари шу жумладан қарағай турларини экишга ва шакл бериб парваришлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Кўкаламзорлаштириш соҳаси олдидаги вазифаларни ечишда, аввало, ўсимлик турларини кўпайтиришда кўчатхоналарда етиштириладиган махсулотлар (кўчатлар, ўсимликлар) сифатини яхшилашда ҳозирда мавжуд бўлган ўсимликларнинг бой дендралогик фондидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий шаҳар ёки бошқа аҳоли яшаш жойлари-бу турли бинолар, кўп сонли мухандислик иншоатлари,йўллар, сув хавзалари, майдонлар, очиқ жойлар ва яшил экинзорларнинг мураккаб комплексидир. Шаҳарсозлик меъёрларига кўра, аҳоли яшаш жойлари худудларининг 50% дан кам бўлмаган қисми кўкаламзорлаштириш объектларига ажратилиши керак

Шаҳарсозликдаги катта тажриба шуни кўрсатадики, асосий вазифалардан бири-табиий ва сунъий яратилган муҳит ўртасида маълум мувозанат ва гармоник равишда уйғунлашувига эришиш, барча кўкаламзорлаштириш обектларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир яхлит тизимга бирлаштирилиши саналади.

Боғ ҳиёбонларини яратиш санъатининг муҳим жиҳати- уларни ташкил этишда яшил дарахтларнинг табиий ўсган ҳудудларини ҳамда бадиий ижод намуналарини бир тизимга бирлаштириб, уйғунлаштиришдан иборат.

Яшил қурилиш-узоқ вақтни талаб этадиган, яратиш технологияси бўйича мураккаб ижодий жараён бўлиб, бир қанча ишлаб чиқариш масалаларини ечиш ва тадбиқ этиш билан боғлиқдир. Яшил қурилиш амалиёти: боғ ва ҳиёбонларни яратиш; у ёки бу аҳли яшаш жойларини ободонлаштириш; ҳар хил тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган ўсимликларни танлаш; архитектура-қурилиш иншоатлари, сув ҳавзалари, йўллар, майдончалар, скулптураларга мос равишда ўсимликларни жойлаштириш ва гуруҳлаш; ўсимликларни экиб парвариш қилиш ишларини ўз ичига олади.

# I БОБ. Адабиётлар шархи

Дарахт–буталарнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда ҳам юқори ва турли тумандир. Дарахт турларини қимматли хусусиятларини тўғри баҳолаш учун ушбу турларининг барча биологик, экологик ва физиологик хусусиятларини билиш зарур. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз кўкаламзорлаштириш соҳаси олдида катта муаммолар ўз ечимини кутиб турибди, игнабаргли дарахтлар майдонини кенгайтириш, мамлакатимиз дендрофлорасини янги турлар билан бойитиш, Орол денгизи қуриган тубининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ва ҳоказолардир.

Бу муаммоларни фақат чуқур дендрологик билимларга эга, юқори малакадаги мутахассислар ижобий ҳал этишлари мумкин. Шу ўтган даврда биология ва ўрмончилик фанлари кўплаб янги ва назарий маълумотлар билан бойиди. Дарахт турларини манзарали, экологик ва биологик хусусиятларига тавсиф берган ҳолда, турли иқлим–тупроқ шароитлари учун лозим бўлган турлар тавсия этилади.

Замонавий ва классик адабиётларда Pinaceae оиласи ва унинг турлари келиб чиқиши, пайдо бўлиши ҳақида аниқ маълумотлар ёзилган.34

Қарағай турларини табиатда тарқалиши ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти тўғрисида кўпгина олимлар томонидан ижобий ишлар амалга оширилган ва ўз асарларида кенг ёритилган

А.Қ.Қайимов .[23] Қарағай кўчатларини кўкаламзорлаштиришдаги ахамияти юқори даражада еканлигини такидлаган..

Есипова Т.В. .[16] (1988) маълум қиладики қарағайларнинг қолдиқлари Англия эоцена қатламларида, шунингдек Аляска ва Прибалтикада ҳам топилган.

Pinus туркуми турларини табиатда ва географик тарқалиши кўпгина олимлар ишларида ёритилган, Артаманов В.И., Бўриев, Л.А.Абдурахмонов, А. Т. Жононбекова. Бобринев В.П. [8.]

Досахметов А.О. [12] қарағайларни ривожланишини ёритганда, шуни таъкидлайдики, плеоцен сўнгида игнабаргли, кенг баргли ўрмонлар

тарқатилган бўлиб, улар сибир ўрмонзорлари ва қарағайнинг турли хил турларига эга бўлишган.

1886 йил . Бобринев В.П. [8] қарағай турларини секцияга ажратишни таклиф қилади: Eupicea (ҳақиқий қарағай) ва Omorika (қарағай-оморика). У Секцияларга асосан барглар шаклига, тасмалар сонига ва жойлашувига қараб ажратган, бу ажратиш ҳозиргача сақланмоқда.

Гетко Н.В. Бобринов [9] (1987) қарағайларни игнасининг узунлиги яна 3 та секцияга ажратади: Omorika, Eupicea, Casicta.

Яскина Л.В. [31] Дендрология. (1980.) қарағай турларини секцияларга ажратмасдан яхлит ўрганиб чиқади

Яскина Л.В. Вильком классификациясига тўхтадик, чунки Ботаника боғи коллекциясидаги қарағай турларининг кўпчилигида қуббалар йўқ. Уруғ тугиш жараёни бошланган дарахтлар да эса улар битта-битта ҳосил бўлиб, катталиги ва бошқа хусусиятлари ўзгарувчан, шунинг учун бу белгиларни тур сифатида тавсия қилиб бўлмайди.

Есипова Т.В. [16] Қарақғай кўчатларига дендралогик таъриф берган. Игнабарглилар тартиби ва турлари кўп бўлиши билан очиқ уруғлилар орасида ажралиб туради. Ҳавони турли микроблардан тозалайдиган фитонцид модда чиқариб туради

Есипова Т.В. .[17] Игнабарглилар ихота дарахтзорлари барпо қилиш ва кўкаламзорлаштириш мақсадларида экилади. Чиройли шакллари шаҳарларда паркларга, кўчаларга экилади, унинг турли шакллари кўкаламзорлаштириш ишларида роль ўйнайди.

Яшил майдонларни Тошкент шаҳрида кўпайтириш паркларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига, кўчатларни кўкаламзорлаштириш, катта кичик майдонларни кўкаламзорлаштириш ҳисобига бажарилади. А.Қ.Қайимов .[23]

Дарахт турларини манзарали, экологик ва биологик хусусиятларига тавсиф берган ҳолда, турли иқлим – тупроқ шароитлари учун лозим бўлган турлар тавсия этилади А.К.Қайимов [25].

Ўрмон–бу ўсимликларнинг асосий тури хисобланиб унинг таркибида барча дарахтлар, бута ва ўрмон ости ўсимлик дунёси шунинг хайвонот олами ва тупроқ орасидаги ўзаро боғланган биогеоценоздан иборат бўлган ҳаётий жараён тушунилади. Яскина Л.В.[31].

А.К.Қайимов, Э.Т.Бердиев, А.Т.Турдиев, Ҳ.Ф.Ҳамроев, .[24.] Қарағайдошлар (pinaceae) оиласига мансуб бўлган турлар кўкаламзорлаштириш ишларида анчайин самарали ва истиқболли эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

Қаландаров М. [26]. Ўрмон биологиясини ўрганиб чиқиб биз бундан кўраяпмизки фақат ташқи тузилишини эмас балки ички тузилишини таркибини ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Т.И.Длавкина. [13]. Ўрмон дарахтлари ёши улғайиши билан унинг таксацияга оид кўрсаткичлари баландлиги, диаметири, кўндаланг кесми юзаси ёғоч захираси ўрмон тўлиқлиги ва махсулдорлиги ўзгариб боради. Дарахтларнинг ўзаро бир бирига таъсири натижасида унинг шакил кўриниши ҳам ўзгариб боради. Натижада дарахтзорлар хатто ўзининг ижобий ижобий таъсирини кўрсатади. Масалан шахар ичидаги дарахтзорлар атироф мухитга эстетик кўркамлик намоён қилади, ишлаб чиқариш корхоналаридаги захарли газларни ушлаб қолади ва ҳавони тозалайди каналлар ва дарёлар бўйидаги дарахтзорлар тупроқни ювлиб кетишини олдини олади. Сув хавзалари атрофидаги дарахтзорлар унинг ички қисмида катта хажимда лойқа – ботқоқликни олдини олади.

# II БОБ.Паркент тумани ҳудудининг табиий иқлим шароитлари

## 2.1.Релъефи ва гидрологияси

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли тажриба хўжалиги Паркент тумани ҳудудидаги Сўқоқсой ховзасида Чотқол тоғлар этагида жойлашган. У бугунги кунда Чотқол тоғ мелиоратив тажриба ўрмон хўжалиги деб номланади. Хўжалик 1936 йил 19-декабирда ташкил топган хўжаликнинг умумий эр майдони бугунги кунда 1516 га ни ташкил этади. Хўжаликнинг эр майдони 57 та кварталга ажиратилган. Ушбу хўжалик ҳудудида 60 дан ортиқ ноёб ва манзарали ўсимлик турлари ўсиб ривожланади.Шулардан зарафшон арчазорлари хўжалик худудида 2200 м дан бошлаб табиий ҳолда ўсиб ривожланган. Хўжалик худуди бўйича ўсимликлар қуйидагича тартибда тарқалган  (Собир Одилхонов маълумотлари асосида): хўжаликни янги спорт комплекислари билан чегарадаги пастки участкасида кўчатхона ва 2 га эр майдони участкаларга ажратилган. Бу эрда ҳар хил турдаги япроқ ва нина баригли манзарали дарахт ва буталар шунингдек мевали кўчатлар хам этиштирилади. Шундан сўнг чизмалар ҳосил қилиб терак туркуми, қайин оқ ва шарқ чинори, қирим, элдор, оддий ва сибир қарағайлари, тайншон эли, кумушсимон баргли эл, грек ёнғоғи, 1.5 га эрда олмазор, 1.0 га эрда дарахтзорлар барпо қилинган. Навбатдаги чизма полосада эманзорлар, каштан, жўка, гинко-билоба, сўнг аралаш дарахтзорлар, оқ акас, айлант, ўзбекистон қайрағочи, майда баригли жийда участканинг қарама – қарши томонида – қарағайзорлар барпо қилинган. Ушбу хўжаликда тошкент шахри ва вилояти ўқув масканлари, илмий тадқиқот олийгохи ходимлари томонидан кўп қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилади. Ҳусусан булар, тоғ ҳудудларида тупроқ қатламининг пайдо бўлиши, ювилиши, намлиги, музлаш жараёни, сел жараёнларининг вужудга келиши, эр ости сувларини ўзгариш қонуниятларини ўрганиш, ўрмон дарахтзорлари тўлиқлиги махсулдорлигини аниқлаш, тоғ ҳудудларида мос келадиган чидамли

турларни танлаш ва бошқа бир неча турдаги изланишлар олиб борилади. Ушбу илмий тадқиқот базасидан ўрганилган маънбалар асосида республикамизнинг бошқа тоғ ва тоғолди ҳудудлари амалий ишлар ўзлаштирилади, жорий қилинади. Илмий тадқиқот базасида кесиш ишларига рухсат берилмайди. Фақат касаллик ва ўсимликларни ҳар хил зараркунандалардан ҳимоялаш мақсадида санитар – тозалаш тозалаш ишлари ўтказилади. Ушбу тадқиқот марказида республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий – ҳодимлари йил мобайнида узлуксиз изланишлар олиб борадилар.

## 2.2 Иқлими

Бирор бир жойга хос об-ҳаво шароитларининг мажмуи ва тадрижий ўзгаришлари иқлим дейилади. Эр юзасида ва атмосферада бетўхтов ўтатиган табиий жараёнлар иқлимни хосил қилади. Иқлимни ҳосил қилувчи омиллар қаторига: қуюш радиатсияси, иссиқлик ва бошқа хар хил энергия манбаларининг ўзгаришлари, сувни парга ва аксинча, ҳаво намлиги шу каби бошқа жараёнлар киради. Географик жойлашиши, эр сатхининг тузилиши, тоғ жинислари  хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади ва шу жой иқлимининг хусусиятларининг жойдан – жойга фарқ қилиши кўрсатилган мезонларни ўзгаришига олиб келади ва шу жой иқлимининг ўзига хослигини белгилайди. Хар бир жой иқлимининг хусусиятлари узоқ муддат кузатувлар натижасида аниқланади. Иқлим шунослигда иқлим – қуёш радиатсияси, атмосфера босими, харорат намлиги ёғин миқдори шамол ва бошқа метрологик ходисалар билан изохланади.



2 -расм. Қора ва оддий қарағайнинг Сўқоқ Мэтостанцияси ҳудудида ўсиб ривожланиши

Денгиз сатхидан 1352 м баландликда жойлашган Сўқоқ метрологик стансияси маълумотлари бўйича юқорида қайд этилган йиллик ва кўп йиллик ҳаво хароroати, намлик, ёғингарчилик миқдори ва шамол йўналишининг харакатигиа этибор қаратдик.

Ҳаво харорати ўртача суткалик энг балад кўрсаткичи июл ойида намоён бўлади ва у 27ºС ташкил этади. Август ойидан у пасая бошлайди октябр ойида бу жараён кескинлашади. Ҳар бир ойда кузатиладиган ўртача ойлик

ҳаво ҳарорати йилдан йилга ўзгариши мумкин. Айниқса қиш фаслидаги ойларда ўзгарувчан бўлади. Лекин ўртача кўп йиллик ҳарорат жуда кам миқдорда ўзгаради.

“Сўқоқ” метиостансияси бўйича ҳаво ҳароратининг ўртача “мах” ва “мин” кўрсаткичлари.

2.1-график



Ҳаво намлигининг кўп йиллик ўртача миқдори 58% ни ташкил этади. Қиш фаслида ҳаво намлиги 68-70%га этади, ёз фаслида эса 38-41% атрофида бўлади. Базан қурғоқчилик йиллари ёз фаслида ҳво намлиги 8% гача камайиши мумкин. Иссиқ кунларда ҳаводаги намликни пасайиши тупроқдаги намликнинг буғланишини тезлатади ҳамда нафас олишни энгиллаштиради. Ёғингарчилик қаттиқ (қор), ёмғирли ва аралаш ҳолатда содир бўлади. Ушбу ҳудудда ўртача кўп йиллик ёғин миқдори 536 мм ни ташкил этади. Тоғ минтақасига кўтарилган сари Сўқоқсой ҳудудида кўрсаткич 605-615 мм гача этади. Энг кўп ёғингарчилик миқдори март ойига тўғри келади. Ноябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мартнинг иккинчи ярмигача эр юзасини қор қоплаши мумкин. Метерологик кузатишлар даврида энг биринчи қор тушиши 13 – октябрда, охири 27 – апрелга қайд этилган.

Шамол ҳаракати туман худудида нисбатан кичик (1-2 м/с) тезликлар билан эсиб турадиган ходиса. 50% дан ортиқ шамолларнинг тезлиги 0-1 м/с атрофида бўлади. 5 м/с тезликдаги шамоллар эса атиги 0.01% ни ташкил этади.

Шамоллар йўналишида шарқий, шимолий-шарқий оқимлар устунлиги сезилиб туради. Ушбу кўрсаткич, айниқса, қиш ва кузда намоён бўлади. Бахор ва ёз фасилларида ғарбий ва шимолий ғарбий шамоллар хам такрорланиб туради. Бир сутка мобайнида шамол йўналиши асосан тоғ-водий сиркулясяси таъсирида бўлади. Тунги пайтларда асосан, баланд тоғ шамоллари кундизи эса водий шамоллари устинлик қилади. К.А.Тимирязев ботаник-физиолог сифатида дарахт ўсимликларининг озиқланиш жараёни, хлорофилл функциялари ва яшил ўсимликларда органик моддалар ҳосил бўлиш жараёни механизмини очиб берди. В.В.Докучаев тупроқшунос олим сифатида географик табиий комплекслар ва худудлар тўғрисида таълимот яратди. Ушбу таълимот дарахт - бута ўсимликларнинг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнидаги ролини чуқур ўрганишга имкон яратди. В.Р.Вильямс, В.В.Докучаев ишларини давомчиси сифатида

тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини узлуксизлиги, тупроқ унумдорлигини тўхтовсиз ошиб боришида ўрмон, дарахт - бута ўсимликларнинг роли катта эканлиги ҳақида таълимот яратди. У яшил ўсимликлар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини исботлаб берди.

Бу тупроқ кучсиз турланган сулфад хлоридга нисбатан юқорироқ ва турлаш миқдори бу тупроқ учун характерли эмас. Унда миқдори 2% гача ва қатлами 0-10 см дан иборат, гаризонтда гумус -1.12%; фосфир 0.21% ва азот миқдори 0.15%; ва 25-35 гаризонтда 0.99; 0.20; 0.14% дан иборат шунингдек 80-100 гаризонтда озуқабоп моддалар камаяди; 0.36%; р. 0.12% ва Н -0.09%. лекин тажриба хўжалиги шароитидаги тупроқ ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига анча шароит яхшироқ.

## 2.3.Жойининг тупроқ шароити

Паркент туманининг эр сатҳи бўйича тузилиши геоморфологик жиҳатдан ғарбдан шарққа қараб учта, минтақавий бўлиниши билан бир-биридан ажралиб туради.Булар: тоғолди текислиги, паст тоғлар ва юксак тоғ минтақаларидир. Тоғолди минтақаси денгиз сатҳига нисбатан 700-800 метр баландликдан 1200-1300 метргача бўлган сатҳларни ўз ичига олади. Бу эрларда ўрта ва пастки тўртламчи давр жинслари кўпроқ учрайди. Неоген, палеоген, бўр ва ҳатто палеозой жинсларидан иборат бўлган очилма сатҳлар анчагина.

Шунинг учун ушбу ҳудудда денудатсион, акумлятив-денудатсион, аккумлятив-ерозион сатҳлар мавжуд. Ҳудудда кўчки, нураш, ювилиш ва сел босиш жараёнлари бўлиб туради. Сўқоқ, Заркент, Чанги ва Ҳисарак қишлоқлари худди шундай  ҳавфли минтақаларда жойлашган. Ҳозирги замон тоғ жинслари Паркентсой ўзанларида, уларнинг 1-ва 2-террассаларида, тоғ ён қияликлари ва сув айрилиш қисмларида кўпроқ учрайди.

Паркент тумани ҳудудий табиий геалогик ва теҳналогик жараёнлар жуда кўп учраб туриши билан ажралиб туради. Сув манбалари ҳам кўпдан кўп сойликларни ташкил этади. Сўқоқсой сув йиғилиши ҳавзаси Заркентсой сув ҳавзасига бориб тақалади. Сўқоқсой дарёсининг бошланиш қисми қояли тоғ жинисларидан ташкил топган. Сўқоқ қишлоғидан бошлаб эса икки ён қирғоқлари ўрта ва юқори тўртламчи давр лёсс жинсларидан ташкил топиб боради. Сўқоқсой дарёси нисбатан серсув.

Сўқоқсой ва бошқа сойларининг икки ёнидаги биринчи ва иккичи ва учинчи террассаларни ташкил этувчи аллювиал ётқизиқлари тоғ жинисларининг сиртида жойлашган. Туроқ қалинлиги уларни ташкил қилувчи аллювиал лёссимон жинисларга хос. Бу жинислар устидаги тупроқ табиий ҳолатда зич ўсимликларга бой бўлиб – Оқ тусли қумли бўз тупроқларни ташкил этади, тупроқ жинисларининг қалинлигига қараб 5-20 см атрофида ўзгаради. Оч кулранг, тўқ қўнғир тусли тоғ – каштан тупроқлари денгиз сатхидан 1100 – 1800 м баладликларида жойлашган. Тупроқ қалинлиги 25 – 75 см гача боради. Бу эрларда ёғининг миқдори анча баланд ўртача кўп йиллик миқдори бир йилда 700 – 800 мм гача боради Қора, қора – қўнғир тусли тупроқлар туман худудида денгиз сатхидан 1800 – 2000 м баладликларда алювиал – делювиал лёссимон жинисларнинг устида, кўп йиллик ўсимликлар остида вжудга келади. Бу тупроқ таркиби донадор қалинлиги 15 – 50 см атрофида бўлади. Тупроқ остидаги она – жинисларнинг қалинлиги 0.5 – 1.0 метирни ташкил этади. Бу худудда ёз ойларида ҳам аҳён – аҳёнда ёҳин ёғиши кузатилади ва ўсимликлар учун қулай шаройит яратди.

## 2.4 Ўсимлик дунёси

Манзарвли боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли тажриба хўжалиги паркент тумани худудидаги тупроқ шароити чиқинди миқдорига бой бўлганлиги учун ўсимликларнинг

ўсиб ривожланишига анча яхши таъсир кўрсатганлиги сабабли,ушбу минтақа ўсимлик дунёси тули-туман.

Ўсимлик дунёси анча мўл. Сариқ ва қизил дўлана, олма туркуми, нок, оқ акас, гледичия, қирим қарағайи, тяншанг қарағайи, грек ёнғоғи, зверабой, андўз, тоғ чойи ва пиёзи ва бошқалар.Паркент туманининг ўсимлик дунёси тоғли минтақада бўлганлиги сабабли ўзининг яшиллиги ва дориворлик бундан ташқари ахолининг ехтиёжларини қодиришлилик даражаси билан ъхам ажралиб туради.Минтақанинг денгиз сатхидан ўртача 700 м дан 1300 м баландликда жойлашганли сабабли турли интрадуксия қилиниб ўтказилган дарахт кўчатларининг ўсиб ривожланишига қулай шароит хисобланади.

Ўсимлик дунёсининг меъёрида ўсиб ривожланишига таъсир етувчи омилларнинг яна бири ушбу худудда ёз ойларининг ўрталарида хам ёғингарчиликнинг блиб туришидир.Худудда мевали дарахтлар ахолининг даромад маанбайи хисобланади.Булардан:олма, гилос, узум, олхўри, анжир, олча, дўлана,беҳи, нок, ўрик, шафтоли ва кўпгина мевали дарахлар шулар жумласидан.Бундан ташқари манзарали игна ва япроқ баргли дарахтлар хам кўргина тарқалган.Уларнинг асосий игна барглилари тоғли минтақаларда ёғингарчилик миқдори узоқ вақт сақланадиган жойларда худудларда ўсади.Шу жумладан „ZUXRA–ONA PLYUS” XUSUSIY KORXONASI нинг ер майдонида хам деярли барча турдаги манзаравийлик хусусиятига эга бўлган игна ваяпроқ баргли ўсимликларни ўстириб парвариш қилинаётганлиги алохида ахамит касп етади.

# III БОБ.КЎЧАТЛАРИГИА “НИВАКИ”УСЛУБИДА ШАКЛ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## 3.1 Қарағай турлари биологияси ва экологияси.

Қарағай туркуми (pinus) вакиллари қарағайдошлар оиласига (pinaceae) мансуб бўлиб, унга мингдан ортиқ турлар киради. Уларнинг 12 та тури МДҲ давлатлари ҳудудида тарқалган. Қарағайларнинг 5 та тури пицунда, милова, могиль ва Европа қарағайлари ,,Қизил китоб”га киритилган камёб турлар ҳисобланади.

Қарағайлар тик ўсувчи доим яшил дарахтлар бўлиб, табиий шароитларда бўйлари 20-50 м, хаттоки 75 м баландликкача кўтарилади, танасининг диаметри 2-4 м келади. Қарағай дарахти ўрмонда тик ўсувчи танаси билан ажралиб туради. Қарағай дарахтлари ўрмон шароитларида қалин ўсади ва яшаш учун кураш –рақобат натижасида улар тик қоматли дарахтлар кўринишида етиладилар, шох-шаббалари фақат дарахт танасининг устки қисмида бўлади. Нинабаргларининг узунлиги 2-30 см, баъзи турларида 45 см гача етади. Қарағай нинабарглари новдаларида 3-6 йил сақланиб туради, сўнгра тўкилиб янги нинабарглар билан доимий равишда алмашиниб туради. Шу сабабли ҳам қарағай дарахти йил мобайнида доимий яшил холатда сақлнади. Оталик қуббалари шу йил чиққан новдалари асосида зич тўпланган бўлиб, оналик қуббалари эса шу йилги новдалари учида ёки ёнларида якка ёки гурух бўлиб жойлашади. Қубба устидаги тангачалари ромбсимон, ялтироқ, қўнғир–яшил рангда бўлади. Қуббалари иккинчи ёки учинчи йили пишиб етилади.баъзи қаркғвй уруғларини 1600 дона уруғи 1 кг чиқса,Корея қарағайининг 200 дона уруғи, Сибир қарағайининг 400 дона уруғи, ер бағирлаб ўсувчи қарағайнинг 10-15 минг дона уруғи 1 кг га тўғри келади.

Қуббаларининг катталиги 2,5-13 см узунликда, эни эса 2,5 см келади.Марказий Осиёнинг қуруқ иссиқ иқлимида энг мувоффақиятли интрадуксия қилинганқарағай тури бу-қирим ёки паллас

қарағайидир.Қарағай турлари асосан шимолий ярим шарнинг мўтадил иқлим зонасида кенг тарқалган,улар асосан намсевар совуққа чидамли мўтадил иқлимнми хуш кўрувчи ва иссиқни унча ёқтирмайдиган дарахт турлари хисобланадилар.Қарағай турларининг энг жанубий минтақаларида ўсиўга мослашган турлари-бу қирим ва элдор қарағайлари хисобланади.Нинбаргли дарахт турларини,шу жумладан қарағай турларини Ўзбекистоннинг махаллий шароитларига мослаштириш ва интрадуксия қилиш ишлари XIX аср охирларидан бошланган.Қирим қарағайи баъзан паллас қарағайи деб хам номланади. Дарахтларниниг баландлиги 15 метрдан 40 метргача кўтарилади танасиниг эни 50-60 см.Бу дарахт 200-300 йил, қулай шароитларда хаттоки 500 йилдан ортиқ хам яшайди.танаси тик келишган бўлиб,яхши шохлайди. Қирим қарағайининг ватани Қирим ярим ороли бўлиб,у ердан ташқари бу крағай тури Ғарбий Кавказ ор,тида,Шимолий Ғарбий Анталияда,Крит ва Кипр оролларида,Болқон ярим оролининг шарқий қисмида хамда Қора дэнгизнинг шарқий ва Эгей денгизи сохилларида табиий холда ўсади.

Униниг юқори бонитетли қалин ўрмонлари денгиз сатхидан 700-800 мт баландликда лўплаб қайд этилган. Марказий Осиёда,шу жумладан–Ўзбекистонда ушбу қарағай тури XIX-аср охирларида маданийлаштирилди. Бу дарахтлар дастлаб Тошкент ва Самарқандда кўплаб экилган,шу сабабли бу дарахт турининг ушбу шахарларда 100 ёшга кирган нусхалари ҳозирда хам яхши ўсиб турибди.

Қирим қарағайи Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида,Сўқоқсой ҳавзасида,чирчиқ ўрмон хўжалигида,Оқтошда Самарқанд вилоятининг Омон-кўтон ўрмон бўлимида 1889-йилдан буён экилиб келинганнусхалари хозиргача яхши сақланиб турибди.

**Оддий қарағай (Pinus silvestris L.)** бўйи 30-40 м, диаметри 1 м бўлган дарахт. Қулай шароитларда 600 йилгача яшайди. Танасининг пўстлоғи қалин ва вертикал ёриқли бўлиб остки томони қўнғир, юз томони тўқ сариқ ёки қизғиш рангда. Танасидан ва шохларидан юпқа пўстлоқ ажралиб

туради. Дарахт доира шаклида сийрак шох-шабба ҳосил қилади. Қарағайзорларда пастки шохлари қуриб, тўкилиб кетади. Вояга етган қарағайнинг шох-шаббаси тухумсимон бўлади.



12-расм. Оддий қарағай

Новдалари туксиз, ғишт ёки сарғиш рангда. Куртаклари 6-12 мм узунликда, чўзинчоқ тухумсимон, қизғиш, ғишт рангда бўлади. Қишда смола билан қопланади. Қарағай баҳорда ўса бошлаб, икки хил новда чиқаради: улардан бири узун бўлиб, қўнғир ранг тангачалар билан қопланган, иккинчиси танга бўлиб, учидан бир жуфт нинабарг чиқаради, барглари 3-7 см, қаттиқ, чети тишли кул рангда, улар дарахтда 3-6 йил сақланади. Ўсишдан тўхташи биланоқ новданинг учки ва ён қисмларида куртаклар ҳосил бўлади. Нинабаргларида смола ва эфир мойлари бор. Улар дарахтнинг совуққа чидамлигини оширади.

Ёзда ўса бошлаган барглар қўлтиғида эркак ва урғочи қуббалар ривожланиб, март-апрел ойларида чангланади. Эркак қуббалари микроспорачи барглар йиғиндисидан иборат бўлиб, тухумсимон бошоқ щосил қилади ва новдада спирал щолда жойлашади. Қубба ўзак ва унинг остидан юқоригача спирал шаклда жойлашган тангачасимон микроспорачи барглардан иборат. Ҳар қайси микроспорачи баргнинг остида бир жуфт микроспора жойлашади. Микроспрора ичида жуда кўп микроспора ёки чанг ҳосил бўлади. Қарағай микроспоралари (чанглари) юмалоқ шаклда бўлиб, ён томонида иккита пуфаксимон бўртма чиқади. Бу эса чангнинг ҳавода тарқалишига ёрдам беради. Урғочи қуббалар узун ёш новдалар учида биттадан ёки иккитадан ҳосил бўлади. Улар ҳам эркак қуббаларга ўхшаш ўзак ва тангачабарглардан иборат. Қуббада ривожланаётган уруғкуртак тухумга ўхшаш танача бўлиб, унда ҳосил бўладиган архегонийда тухум хужайра ривожланади. Уруғкуртак етилган вақтда унга чанг (микроспора) тушиб, уруғ йўли (микропили) орқали ўзагига (нуцеллусга) ўтади. Бу ердан микроспора ўсиб чанг найчасига айланади ва ўзакнинг ичига киради. Бу найчанинг антиредий хужайралари бўлиниб генератив ва базал хужайралар хосил қилади. Генератив хужайра иккита сперма ҳосил қилади. Улардан бири келгуси йил баҳорда тухум хужайра билан қўшилиб уни уруғлантиради. Уруғланган тухум хужайрадан муртак ҳосил бўлади. Ундан уруғ ривожланади. Шундай қилиб чанглангандан кейин иккинчи йил кузда қубба етилади, бу пайтда унинг бўйи 3-6, эни 2-4 см га етади. Етилган қуббанинг уруғлари тўкилиб қанотчали бўлгани учун шамолда тарқалади. Уруғи оқ, қўнғир ва қора рангда, тухумсимон, усти ниҳоятда силлиқ бўлади. 1000 донасининг вазни 6 г келади.

Оддий қарағай фақат уруғдан кўпаяди. Уруғи сепилгандан кейин 15-20 кунда униб чиқади (90%). Қарағайнинг бир ёшли ниҳолларида ўқ илдиз ривожланиб, поясига нисбатан 3-4 марта узун бўлади. Унумдор тупроқда ўқ илдизи ерга чуқур кириб, сўнг ён илдиздан чиқаради. Қарағай 10 ёшдан 40 ёшгача тез ўсади. Яхши иқлим ва тупроқ шароитида 80 ёшлик қарағайнинг

бўйи 30 м гача етади. Қуруқ, сернам ёки ботқоқ тупроқларда, қора тупроқли зонада яхши ўсмайди. У тоғли минтақаларда яхши ўсади. Саян тоғларида денгиз сатҳидан 1500 м денгиз сатҳидан баланд бўлган жойларда кўп тарқалган. У Кавказ ва Крим тоғларида хам ўсади.

Қарағайзорларда яна қора қарағай, тилоғоч, кедр ва япроқли дарахтлардан эман учрайди.Нинабарглилар асосан сернам зона ўсимлигидир. Улар Евросиёнинг шимолида ва Шимолий Американинг кўп туманларида, айрим турлари тропик мамлакатларда ҳам учрайди. Оддий қарағай совуққа ва иссиққа чидамли дарахт лекин ҳавонинг қуруқлигидан зарарланади. Шох-шаббасининг сийраклиги унинг ёруғсевар ўсимлик эканлигидан дарак беради. Қарағай ботаника боғида ўстирилганда 10 ёшида бўйи 4,5 м га етган, ҳар йили ўртача 55 см дан ўсган.

Оддий қарағай ўрмон зонасида кўп тарқалган бўлиб, МДҲнинг ўзидаёқ 150 млн гектар майдонни ишғол қилади. Тупроқ намини сақлаб қолиш мақсадида қарағайзорлар барпо қилинган ва иҳота қаторлари яратилган. Унинг ёғочи пишиқ ва техникавий хоссаси жуда юқори бўлганлигидан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Ундан кемасозликда, вагонсозликда ва мебел ишлаб чиқаришда ҳамда бочка тахтаси ва фанер ишлашда фойдаланилади. Қарағайдан канифол ва скипидар олинади. Унинг пўстлоғида ошловчи ва гумин моддалар бор. Баргида С  витамин бор. Қарағай ҳавони турли микроблардан тозалайдиган фитонцид модда чиқариб туради.

Оддий қарағай ҳавонинг ифлосланишидан қаттиқ зарарланади. Шунинг учун аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш тавсия этилмайди. Фақат тоғ қияликларини кўкаламзорлаштириш ва ўрмон мелиорациясида фойдаланиш мумкин.Ўзбекистон тоғ ўрмонларида,Чотқол тоғ-ўрмон мелиоратив тажриба станциясида оддий қарағай асосида яратилган қарағайзорлар ўсиши ва ривожланишига кўра Россияда ўсиб турган қарағай ўрмонларидан қолишмайди, шу сабабли ушбу тажрибани тоғли ҳудудларга татбиқ этиш халқ хўжалигига катта фойда келтиради.



13-расм.Оддий қарағайнинг мевали шохи.

**Қрим`ёки Паллас қарағайи (Pinus Pallasiana Lamb.)** бўйи 35 м, диаметри 50 смгача етадиган йирик дарахт. Танасининг пўстлоғи тўқ кул рангда, шохлариники эса қизғиш рангда. Куртаклари конуссимон, учи ўткир, смола билан қопланган. Барглари тўқ яшил, қаттиқ, ялтироқ, учи ўткир, бўйи 15-16 см бўлиб, оддий қарағайникига нисбатан икки марта узун. Улар новдада 2 тадан тўда бўлиб жойлашади. Қуббаси жуда йирик. Май ойида чангланади. Қубба чангланиб уруғлангандан сўнг учинчи йилнинг баҳорида етилади. Етилган қубба сариқ-қўнғир рангда, бўйи 5-10 см, оддий қарағайникига нисбатан йирик бўлади. Уруғи ҳам йирик, узунлиги 6 мм, қанотчали.

Бу қарағай ҳам уруғдан кўпаяди ва очиқ ерларда яхши ўсади. 500-600 йил яшаши мумкин. Ўқ ва ёнлама илдизлари яхши ривожланади. Бу қарағай совуққа ҳам, иссиққа ҳам чидамли. У соясевар бўлиб, оддий қарағайга нисбатан унумдор тупроқни хохлайди, қуруқ оҳакли, қумли ва қумлоқ тупроқли ерларда айниқса яхши ўсади. Ёғочи пишиқ, смолали, ўзаги сариқ ёки қизғиш, атрофи сариқ ранглидир. Қарағай халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Унинг ёғочидан кемасозликда ва турли бинокорлик ишларида фойдаланилади. Унинг смоласидан скипидар ва канифол олинади. Қарағай ихота дарахтзорлари барпо қилиш ва

**Сариқ ёки оғир қарағай (Pinus ponderosa Dougl.)** бўйи 50-70 м га етадиган дарахт. У қулай шароитларда 500 йилгача яшаши мумкин. Шох-шаббаси пирамида ёки конус шаклида. Пўстлоғи тўқ жигаррангда ёки қора.

Шохлари новвоти-ғишт, новдалари эса қизил-ғишт рангда. Туксиз, ялтироқ, куртаклари тангачалар билан қопланган, цилиндрсимон, нинабарглари яшил, новдада 3 тадан тўда-тўда бўлиб, жойлашади. Дағал, уч қиррали, щар қайси қиррасида ёрикчалар қатори бор. Қуббалари сариқ рангда, 10 см, ялтироқ. Уруғи йирик, узунлиги 7-10 мм, эни 5-6 мм, қўнғир ранг қанотчали, қанотчасининг узунлиги 2,5-3 см, 1000 дона уруғининг вазни 35-36 г. Уруғидан яхши кўпаяди.



14-расм. Қрим қарағайи.

Сариқ қарағай очиқ ерларда қумлоқ тупроқларда яхши ўсади. Деярли совуққа чидамли. Ёғочи пишиқ ва хидли, хушманзара дарахт. Бу қарағай Шимолий Американинг ғарбий худудларида тарқалган. У Ўзбекистонга кўкаламзорлаштириш мақсадларида интродукция қилинган.Интродукция натижалари бу қарағайни Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида экиш мумкинлигини кўрсатмоқда**.**

## Беш нинабарглилар секцияси.

**Сибир қарағайи ёки Сибир кедри (Pinus sibirica Rupr. Mayr)** бўйи 20-40 м, диаметри 1 м бўлган дарахт. Шох-шаббаси кенг юмалоқ ёки кенг пирамида шаклида. Танасининг қобиғи тангачасимон бўлиб, катта ёшида

ёрила бошлайди. Бу қарағай қулай шароитда 400 йил яшаши мумкин. Йўғон новдалари тангачасимон барглар ва сарғиш тук билан қопланган. Куртаги ўткир учли бўлиб қизил-қўнғир тангачалар билан қопланган. Нинабарглари тўқ яшил, қаттиқ, дағал, бўйи 6-13 см бўлиб, пояда 5 тадан тўда-тўда бўлиб зич жойлашади. Барглари 3 қиррали, чети тишчали, дарахтда 3-6 йилгача сақланади. Нинабарглари теварагида юпқа қинчалари биринчи йилиёқ тўкилиб кетади.

Сибир қарағайи оддий қарағайдан кейин, яъни май ойида чангланади. Эркак қуббаси қизғиш-новвоти рангда бўлиб новданинг учида жойлашади ва катта бошоқ ҳосил қилади. Урғочи қуббаси гунафша рангда бўлиб 2-5 тадан бўлиб, бошоқ ҳосил қилади ва новданинг охиридаги куртак ёнида жойлашади. Қубба чанглангандан кейин юмалоқ шаклга киради ва келгуси йилнинг май-июн ойларида уруғланади. Бу пайтда қуббанинг бўйи 5-10 см га, эни 4-8 см га етади ва тухум хужайра овал шаклга кириб, учи тўмтоқлашади. Қуббасида смола кўп бўлади. Шунинг учун уни қуш ва хайвонлар емайди. Зич жойлашган тангачалари қаттиқ тук билан қопланган. Ҳар қайси тангача остида қанотчасиз, сарғиш уруғлари иккитадан бўлиб жойлашади. Кеч кузда етилган қуббалари ерга тўкилади. Тўкилиши биланоқ ерга урилиб ёрилади ва уруғлари сочилиб кетади. Уруғи оғир, қанотчасиз ёки қанотчали, бўйи 1-1,2 см, эни 6-8 мм, сарғиш бўлади.

Сибир қарағайи уруғидан яхши кўпаяди. Кузда сепилган уруғи баҳорда кўкариб чиқади. Баҳорда сепиладиган уруғлари стратификация қилиниши, яъни нам ва совуқ шароитда маълум муддат сақланиши керак, шундагина кўкариб чиқади. 25-30 ёшида ҳосилга киргани кузатилган, қалин ўрмонларда эса 45-60 ёшидагина ҳосилга киради. Ҳосили щар йили ўзгариб туради. 1 га ердаги қарағайзордан 100-1000 кг гача уруғ олиш мумкин. Сибир қарағайи совуққа чидамли ўсимлик. У денгиз сатҳидан 1000-1500 м баланд бўлган сернам, тоғли худудлар ва тоғ дарёлари қирғоқларидаги қумоқ, қумлоқ, нам сақламайдиган тупроқларда яхши ўсади. Унинг ўқ ва ён илдизлари яхши ривожланади, учки попук илдизларида эктотроф ва

эндотроф микоризалар бор. Қарағайнинг уруғи ёки ёнғоғи таркибида 60-70% мой, 12% углеводлар, 16% оқсил моддалар ва В витамини бор. Унинг уруғидан кунжара тайёрланади.У хайвонлар учун энг яхши озуқа ҳисобланади.

Қарағайнинг ёғочи нихоятда пишиқ бўлганидан зах жойда ҳам чиримайди.осон ёрилади ва яхши пардозланади. Шунинг учун бинокорлик, дурадгорлик ишларида ва чолғу асбоблари, мебель ясашда кўп ишлатилади. Ёғочидан скипидар ва канфол, бальзам ҳамда микроскопда ишлатиладиган иммерсион мой олинади. Қарағайнинг баргларидан эфир мойи, С витамин ҳам олинади.

Сибир қарағайи асосан ўрмон зонасида кўп тарқалган бўлиб, МДҲ Европа қисмининг шарқи-шимолидан бошлаб, Сибирнинг ҳамма районларида ўсади, яъни МДҲ да 30 млн гектар майдонни эгаллайди. Бу қарағай Сибирда яшаш жойларини, саноат марказларидаги кўча ва паркларни кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳам экилади. Ўзбекистонга интродукция қилинган, унинг натижалари шуни кўрсатадики, у бу ерда жуда секин ўсиб, ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келишидан зарарланади, ёзнинг иссиқ кунларида қуриб қолиш ҳоллари ҳам юз беради.

**Европа қарағайи ёки европа кедри (Pinus cembra L)** сибир қарағайига жуда ўхшаб кетади. Лекин паст бўйли бўлиши, шох шаббаси кенг тузилганлиги, нинабаргларнинг узун ва ингичкалиги, уруғ ва куббачаларининг майдалиги билан ундан фарқ қилади. Бу қарағай Ғарбий Европада, Альп ва Карпат тоғларида денгиз сатҳидан 1300-2500 м баландликларда ўсади Уруғпаллалари дағал, яшил, пушти рангда. Июнь ойида ўсишдан тўхтайди. Ёш ниҳоллари Тошкент шароитида ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келишидан зарар кўрмайди.

**Корея қарағайи (Pinus koraiensis S.et Z.)** сибир қарағайига ўхшаш йирик дарахт бўлиб, бўйи 40 м га ва диаметри 1,5-2 м га етади. Лекин шох-шаббасининг қалинлиги, новдаларининг ингичка, сарғиш тукли бўлиши, куртаклари йириклиги, нинабарглари узун (7-15см), ғадир-будур бўлиши

билан сибир қарағайидан фарқ қилади. Нинабарглари дарахтда 2-3 йил сақланади. Қуббалари йирик, цилиндрсимон, қўнғир рангда бўлиб, шохчасида осилиб туради. Уруғи уч қиррали, қалин пўстли бўлиб, бўйи 1-1,5 см, сибир қарағайининг уруғидан йирикроқ. Уруғдан яхши кўпаяди, жуда секин ўсади.

Корея қарағайи совуққа чидамли, ёруққа, иссиққа талабчан ва соясевар дарахт. Узоқ шарқнинг жанубий районларида ўсади. Бу қарағай ўрмонида баъзан япроқли дарахтлар ҳам учрайди. У МДҲ да 4,5 миллион гектар майдонни эгаллайди. Ёғочи пушти рангда. У бинокорликда, кемасозликда ва бошқа майда буюмлар ясашда ишлатилади. Ёғочи чет мамлакатларга экспорт қилинади., смоласи таркибида терпентин моддаси бор. Уруғи-ёнғоғи озиқ-овқат мақсадаларида ишлатилади. Мағзи таркибида 65% мой бор.

Корея қарағайи МДҲ нинг Европа қисмида ҳам экилади. У Санкт Петербург шароитиларида ҳам яхши ўсиб ривожланади.. Қиш совуғига чидамли бўлган ҳолда, ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келишига ва ишқорли тупроққа чидамсиздир.

**Стлантик кедри (Pinus pumila Rgl.)** ер бағирлаб ўсадиган дарахтлардан бири ҳисобланади. Шароит қулай бўлса, бўйи 6 м гача кўтарилади. Нинабарглари калта (4-8), қаттиқ. Улар баҳорда ҳаво рангда бўлади. Қуббалари майда, узунлиги 4 см дан ошмайди, юмалоқ, чўзиқ, тухумсимон шаклда бўлиб, тўда-тўда ҳолда жойлашади. Етилгандан сўнг тўкилиши пайтида тангачалар очилиб, уруғи тўп-тўп бўлиб тўкилади ва ниҳоллари ҳам шу тариқа тўп бўлиб ўсиб чиқади. Уруғи сибир қарағайининг уруғидан 2 марта майда ва қорамтир бўлади. Кедр уруғидан яхши кўпаяди, илдизидан бачкилаш хусусиятига эга. Қиш келгач кедрнинг ер бағирлаб ўсаётган шох-шаббаси қор тагида қолади ва шу ҳолда қишлайди. Новадалари сертук ва туклари серсмола бўлиб, Сибирнинг қаттиқ совуқ иқлимига мослашган. Бу унинг ажойиб экологик хусусиятларидан биридир. Бу ёруғсевар ўсимлик бўлиб ботқоқликларда ҳам ўсаверади. Кедр Узоқ

Шарқнинг шимолий худудларида, Охота денгизи қирғоқларида, Сахалин, Камчаткада ўсади. Забайкальеда ва Курил оролларида ҳамда Япониянинг шимолида учрайди. Ер бағирлаб ўсадиган кедр жойларда қум ҳаракатини, шамол учирадиган қор ҳаракатини тўсиш, шунингдек, турли қияликларни кўкаламзорлаштиришда катта аҳамиятга эга. Унинг уруғидан «ёнғоқ сути» олинади. У иссиқдан ва ҳавонинг қуруқлигидан зарарланади.

**Веймутов қарағайи (Pinus strobus L.)** бўйи 35-50 м, диаметри 1,5 м келадиган кенг ва пирамида шаклидаги шох-шаббали йирик дарахт. Танасининг қобиғи ёрилган, тўқ кул рангда. Новдалари ингичка, қўнғир кул рангда, кам тукли. Куртаги елимли тангачалар билан қопланган. Нинабарглари уч қиррали, 5-10 см узунликда, майин, ингичка, зангори рангда, дарахтда 2-3 йил сақланади. Тангачасимон нинабаргларининг қини биринчи йилдаёқ тўкилиб кетади. Ёмғир, қор ёққанда барглари бир-бири билан жуфтлашиб ингичка бойлам ҳосил қилади. Шунинг учун шох-шаббаси сийраклашади, унда қор ва ёмғир сувлари тўхтамайди. Смола йўллари баргнинг эпидермис тўқимаси олдида жойлашади.

Урғочи қуббалари биттадан ёки 2-3 тадан гуруҳ бўлиб жойлашади. Қуббалари иккинчи йили етилади, бу пайтда паст томони букилади ва кўп вақт яшил рангда сақланади. У 8-15 см гача ўсиб, сўнг ёғочланади ва жигар рангга киради. Етилган қуббалари кузда очилади ва уруғи ерга тўкилади. Уруғи 5-7 мм узунликда бўлиб, қанотчали, икки йилгача униб чиқиш хусусиятини сақлайди. У шамол ёрдамида тарқалади. 1000 дона уруғининг вазни 18-23 г келади. Қарағай уруғдан яхши кўпаяди. Биринчи йили ўқ илдизи яхши ривожланиб, сўнг ён илдизлар чиқаради.

Қарағай унумдор ерда, жумладан, қумоқ ва қора тупроқли ерда яхши ўсади. Илдизи ниҳоятда бақувват. Бу қарағай ўрта минтақа ўсимлигидир. У қаттиқ совуққа, қор қопламига чидамли ва деярли соясевар, қурғоқчиликка чидамсиз. Ёғочи ўзакли, енгил, юмшоқ, тиниқ сарғиш рангда. Унинг ёғочи бинокорликда, гугурт саноатида ишлатилади.

Веймутов қарағайи Шимолий Американинг тоғлик ҳудудларида денгиз сатҳидан 300-1600 м баландликда ўсади. Унинг ареали 40-51$^{o}$ ва 53$^{o}$ ҳамда 96$^{o}$ шимолий кенгликдан ўтади. У асосан, Канаданинг шарқидаги тайгада кўп учрайди. Бу ердаги йиллик ўртача харорат 1$^{o}$С дан 3$^{o}$С гача бўлиб, қарағай 120 кун давомида ўсади. Бу қарағайзорларда қорақарағай, қайин ва заранг дарахтлари ҳам учрайди.

Веймутов қарағайи Европага 1700 йилда интродукция қилинган, Россияга эса XVIII асрнинг бошларида келтирилган. МДҲ нинг ўрмон-дашт ва дашт зоналарида яхши ўсади. У жумладан, Белоруссия, Украина, Молдавия республикаларида кўп экилади. Қарағайнинг энг катта камчиликларидан бири унинг занг замбуруғи билан касалланишидир. Бу касаллик қорақат ва крижовник буталари орқали тарқалади. Шунинг учун Веймутов қарағайи экиладиган жойларда қорақат ва крижовник экилмаслиги керак.Ўзбекистоннинг тоғли худудлардаги ўрмон хўжалигида катта аҳамиятга эга.

**Калабрийск қарағайи (Pinus laricio L.)** бўйи 40-50 м га етадиган дарахт. Шох-шаббаси цилиндрсимон ёки чўзинчоқ - тухумсимон шаклда тузилган. Новдалари қўнғир кул рангда. Нинабарглари букик, эгилувчан, яшил кул рангда, 8-12 см узунликда. Қуббалари 5-7 см, қўнғир кул рангда. Уруғи 4-6 мм, кул рангда.Бу қарағай ер танламайди. Ботаника боғида 8 ёшида 1-2 м гача ўсган. У хушманзара дарахт. Италияда, Сицилияда ва Корсика оролларининг жануби-ғарбий туманларида тарқалган бўлиб, оҳакли ерларда ўсади.Калибрийск қарағайи XVIII асрдан бошлаб Европа мамлакатларида, жумладан,Франция, Германияда ва Англияда ўстирилмоқда. Россиянинг Қора денгизи бўйларида экилган. Шундай қилиб бу қарағай турлари Республикамизнинг энг муваффақиятли интрадуксия қилинган қарағай турлари хисобланиб,уларни кўкаламзорлаштириш ва ўрмон хўжалиги сохаларида кенгроқ имкониятларини яратиш лозим.

## 3.2.Қарағай кўчатларини етиштириш агротехникаси

Қарағай кўчатларини ундириш ва йэтиштириш енг нозик ,мураккаб иш турларидан бири бу-кўчатлар етиштиришдан иборат.Кўпчилик дарахт кўчатларини етиштиришдан ,қаламчадан ва уруғидан фойдаланиб борилади.Нина баргли дарахт кўчатларини етиштиришда асосан уруғидан кўпайтирилади.

